



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ҳамда уларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш;

Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш фаолият натижалари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш;

Қийноққа солишнинг олдини олиш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг миллий институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2. Олий Мажлис палаталари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифлари маъқуллансин:

а) Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (кейинги ўринларда — Омбудсман) ҳузуридаги эксперт гуруҳи негизда Омбудсман ҳузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳларини (кейинги ўринларда — Жамоатчилик гуруҳлари) ташкил этиш ва уларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш:

гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интимиқой қисм, мажбурий даволаш муассасаларида (кейинги ўринларда — ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар) қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг таширфларини мунтазам равишда амалга ошириш;

ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақлаш шарт-шароитларини ўрганиш ва улар юзасидан ахборотларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни тегишли давлат органига тақдим қилиш;

Қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларни қўриб чиқишда иштирок этиш;

Қийноққа солиш ҳолатларини экспертик баҳолаш масалалари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишида иштирок этиш;

Қийноққа солиш хавфининг олдини олиш ҳамда бу соҳада илғор хорижий тажрибани жорий қилиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

б) Жамоатчилик гуруҳлари таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини жалб қилиш ва бунда уларнинг мониторинг таширфларини амалга ошириш учун касбий малакаси ва амалий билимларга эга бўлишини ҳамда гендер тенглиги таъминлишини ҳисобга олиш;

в) Омбудсман томонидан ҳар йили 15 мартга қадар Олий Мажлис палаталарига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки

қадр-қимматни камситувчи муносабат ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маърузани тақдим этиш ва уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки: ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти Жамоатчилик гуруҳларига ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиши ҳамда суҳбатлашиши, шунингдек, тегишли ҳужжатлар билан танишиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди;

давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти Жамоатчилик гуруҳларининг фаолиятини амалга оширишга қўмақлашди;

Жамоатчилик гуруҳлари аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш мониторинг таширфлари ўтказиладиган муассаса маъмурияти зиммасига юклатилади;

Жамоатчилик гуруҳлари аъзолари қонунчиликка зид ҳаракат қилган тақдирда мониторинг таширфлари ўтказиладиган муассаса маъмурияти раҳбари бу ҳақида Омбудсманни ёзма равишда хабардор қилади.

4. Қуйидагилар: а) ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юришти амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда, ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахсни қабул қилишга асос бўлган ҳужжат нусхаси ва ушбу шахс ҳақидаги маълумотлар шахс ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган вақтдан бошлаб уларнинг маъмурияти томонидан дарҳол ягона электрон реестрга киритиб борилади ва суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда Омбудсман учун мазкур маълумотлар билан танишиш имконияти яратилади.

Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 декабрга қадар ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ва самарали йўлга қўйилишини таъминласин;

б) ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан қийноқлар бўйича амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали мурожаат қилиш амалиёти такомиллаштирилсин.

Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 ноябрга қадар мазкур масалани назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ: Омбудсман ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда

“Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси Факультатив протоколи”га (Нью-Йорк, 2002 йил 18 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда уч ой муддатда қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Бош прокуратура, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ 2021 йил 1 декабрга қадар Жиноят кодексига қийноққа солиш учун жавобгарлик белгилувчи нормаларни БМТнинг “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси” (Нью-Йорк, 1984 йил 10 декабрь) талабларига мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

7. Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва Давлат хавфсизлик хизмати қийноққа солиш ҳолатлари бўйича, жумладан, Жамоатчилик гуруҳлари томонидан аниқланган ҳар қандай қонун бўлишини ҳолатлари юзасидан зудлик билан қонун чоралар кўрилишини таъминласин.

8. Олий Мажлис палаталарига: Жамоатчилик гуруҳларини шакллантириш, фаолиятини ташкил қилиш ва мониторинг ўтказиш тартибини назарда тутувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш;

Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича иш фаолияти кўламини орттиришни инobatга олиб, Омбудсман Котибияти тузилмасида бошқарув ходимларининг чекланган сонини қайта қўриб чиқиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг тушунтирилишини, Жамоатчилик гуруҳлари фаолияти ва мониторинг таширфлари мунтазам ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Администрация Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Н.Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2021 йил 26 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

УЛКАН МАСЪУЛИЯТГА УНДАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР



Бошланғич 1-бетда

Бу йилги байрам энг улғув ва энг азиз санам — Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик баъсан арафасида бўлиб утаётгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишламоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаччилар, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари — Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Бугун журналистлардан тезкорлик, холислик билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилётган вазифаларга ҳозиржавоблик, пухта ва мукамал билим асосида, ўз фаолиятига ижодий, теран таҳлилий-танқидий руҳда ёндашув талаб этилмоқда.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарвар ва халққил сиеят миллий журналистикани жадал раванқ топтириш, сўз ва матбуот, фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

ОАВ ривожини йўлидаги ғамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларининг жамиятдаги ижтимоий мавқеини тобора юксалтириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимиздаги ишловлар жараёни ёки дунёнинг исталган чеккасида рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар шу оннинг ўзида оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернет нашрларида аксадо бермоқда. Ўртимизда фуқаролик журналистикаси, блогерлар фаолияти тобора жадаллашиб бормоқда.

Бугунги кунда барча даражадаги бошқарув идоралари раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар билан мунтазам учрашиб, жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалаларни эркин мулоқот асосида кенг муҳокама этиши яхши аниҳанга айлиниб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ҳар бир таширфда журналистлар ва блогерлар билан мулоқот қилмоқда, уларнинг саволларига жавоб бермоқда. Бундай ёндашув Ўзбекистонда олиб борилаётган очкиклик, ошқоралик ва демократик сиеятнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгилиниш жараёнининг ҳар томонлама таҳлил қилиб, жойлардаги ижтимоий муаммолар, ҳато ва камчиликларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратмоқда.

Айни вақтда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, нашриёт ва босмаҳоналар сони кўпайиб бораётгани эътиборга олинган.

Давлат идораларининг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият

қаратилмоқда. Жумладан, ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишловларнинг бориши, миллий дастур ва стратегияларнинг бажарилиши юзасидан доимий равишда матбуот анжумани ва брифинглар, очик мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Агар 2019 йилда давлат ва нодавлат ташкилотлардаги ахборот хизматларининг манбалари — расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги каналлар 559 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу рақам 2 минг 410 тага етди.

Оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабатлар билдириш амалиёти шаклланимоқда. Бунинг тасдиғини давлат идоралари томонидан танқидий материалларга жавоб қайтариш кўрсаткичи 2018 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра қарийб 90 фоизга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқинда қабул қилинган “Давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти очкиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарала амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Президентимизнинг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони асосида мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очкиклик ва ошқоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнига қўшаётган катта ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги муносиб хизматлари, замонавий журналистика тизимлари учун юксак малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ОАВ вакиллари унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Тадбирда бу мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева ўз эгаларига тантанали топширди.

— Камтарона меҳнатин юксак баҳолаганидан бошим кўкка етди, — дейди “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси Уғлилол Болтабоева. — Жамиятдаги муаммолари масалаларини ёритиш, шу маънода халқимизга қўмақдош бўлиши учун соҳа вакилларидан дадиллик, ҳаққўйлик ва холислик талаб этилади.

Тантанали тадбирда санъат усталари, эстрада юлдузлари ва ёш ижроичилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири

МУНОСАБАТ

ТАЛАБ — ҲУШЁРЛИК, КАСБГА СОДИҚЛИК



Абдирасул ЖУМАҚУЛОВ, “Хуррият” мустақил газетаси бош муҳаррири, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиб

1990 йили ЎЗМУ (аввалги ТошДУ)нинг журналистика факультетини тугатганимдан буюн 31 йилдики, матбуот соҳасида меҳнат қиламан. Ўйлаб кўрсам, газетчиликка меҳрим тушганига қирқ йилга яқинлашиб қолибди.

Сабаби, газета ўқиш, ижодкор тенгдошларимиз сингари тез-тез матбуотда иштирок этиб туришга қизиқиш 6-7-синфда ўқиб юрган кезларимдан бошланган. Ушанда илк бор Сурхондарёдаги туман, вилоят газеталарига, кейинчалик “Гулхан”, “Тонг юлдузи” каби нашрларга хат-хабарлар ёзиб турар эдим.

Бугун ўзим каби ана шундай хаваскор ёшларни курсам кўзим қувнайди. Уларга қарата шундай дегим келади: “Сизлар биздан-да истеъдодли, бахтлисиз. Бугунги Ўзбекистон — янги Ўзбекистон. Улғув ва эзгу мақсадларни олдига қўйган. Президентимиз ёшларга, китобхонликка, спортга, маънавият-маърифатга, илм-фанга жуда катта эътибор қаратмоқда. Нима учун? Чунки порлоқ эртанимиз ана шу омилларга боглик. Президентимиз ҳар бир маҳалла, қишлоқ обод бўлсин, деб жон куйдиришмоқда. Зеро, ҳар бир юртдошимизнинг бугуни ва эртаси, келажакга тўқис, фаровон бўлиши, Ўзбекистон жаҳонда энг тараққий этган давлатлар билан бўйлаша олиши ва қудрати янада ошиши, бу улғув мақсадимизнинг мудаосидир”.

Муаллим ва муҳаррир миллатнинг икки кўзидир, дея нақл қилган эди Бехбудий бобомиз. Чунки жаҳид боболаримиз эрк ва истиқлол, адолат ва ҳақиқат йўлини, унга эришиш сўқмоғини таълим ва матбуотдаги на кўрган ва шу асос, фикр бўйича ҳаракат қилган. Таълимни юксалтириб, аҳоли маънавияти, илм-фанни ривожлантириш, матбуот орқали эса эржа, ҳурликка эришишни ният қилган эди.

Юртимизда кейинги тўрт йилда юз берган ўзгаришларни кўзатиб туриб, Президентимизнинг олиб бораётган изчил сиеятлари билан ана шундай улғулик, жонқуяриликнинг ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўлаемиз.

“Битта нарса ни билиб қўйинглар, бу очкилик ҳеч қачон орқага қайтмайди”, деди давлатимиз раҳбари. Бу матбуот аҳлига куч, ишонч бермоқда. Мен бугун бир журналист сифатида аввало ўзимга, қолаверса, ҳамкасбларимга, чоп этган ҳар бир сўзимиз халқимизга, жамиятимизга фақат эзгулик ва кўтаринки кайфият олиб келсин, деб тилак билдиригим келади. Хабар етказиш ва сенсация ўз йўлига. Зеро, юксак маънавият, чуқур таҳлил ва гўзал бадиият миллий журналистикамизнинг доим бош мезонлари бўлиб келган. Айниқса, бугун бутун дунё мексисида ахборот журужларини авжа чиққан паллада журналистика соҳаси олдидаги масъулият бир неча баробарга ошиши ҳар бир журналистдан гоят ҳушёрлик, касбига содиқлигини талаб этади. Минг шукрки, орамизда мана шундай журналистларимиз кўпайиб бормоқда.

Бугун мен каби кўплай ҳамкасбларим масъулиятли касби шарофатидан ифтихор, ғурур туйиб тургани аниқ. Зеро, ўзим ҳам гоят ҳаяжондаман. Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан билдирилган юксак рағбат, эътирофдан бениҳоя хурсандман.

Албатта, “ширин азоб”, “фидойилик” деб нисбат бериладиган ижодий жараён осон шн эмас. Ёзиш қийин, яхши ёзиш эса янада қийин. Журналистнинг фидойилигини ва меҳнатини қадрлаётган, матбуот аҳлига таянч бўлаётган Президентимизга ташаккур!

АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — ХАЛҚГА ХОЛИС ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ КАДРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ



Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Ўзбекистон ЖРҒУ ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Куни кеча Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги қарор эълон қилиниб, мукофотлар тантанали тарзда ўз эгаларига топширилди. Бундай рағбатлантириш, эътирофлар ўзгача руҳда, янги бир даврга бўлиб ўтди. Очкирроқ қилиб айтганда, бугун журналистларнинг меҳнати ўзгача қадрланмоқда.

Албатта, бунга кейинги йилларда матбуотимиздаги, оммавий ахборот воситаларидаги ўзгаришлар, сўз эркинлигининг амалда қарор топаётгани ортидан эришиляпти. Қувонарлиси, журналистларнинг овози, жамиятдаги ўрни янада яққол намоён бўлиб бораётди. Ушбу соҳада гўё янги ҳаёт бошлангандек. Зеро, айни пайтда журналистларимиз муаммолари масалаларга ечим бўладиган қатор мавзуларни қаламга

ола бошлади. Кези келганда айтиш мумкинки, бугун жамиятнинг ўзи ҳам эркинлашди. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган адолатли тамойил тасирида жамиятимизда ҳам уйғониш кузатиляпти.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳати эътибор қаратишни истардим. Бугун ўзимизни кўрсатадиган, биз истаган эркин майдон пайдо бўлди. Ўзимиздан қиёс: жорий йилдан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига сиеятшунослик йўналиши ташкил этилиб, унда 105 нафар ёш тахсил оляпти. Талабаларнинг кўпчилиги амалиётда фаол экани, ҳатто таҳриратларда, телерадиоканалларда фаолият олиб бораётгани мураббий сифатида мени қувонтиради. Улар ўқитувчилар билан бемалол баҳс-мунозараларга киришиб, муаммоларни вазиятларга ўзларининг мустақил муносабатларини билдира оляпти.

Бугун жамиятдаги ривожланиш, журналистика соҳасидаги ўсишни халқаро экспертлар ҳам тан оляпти. Улар Президентимизнинг сиеятини таҳлил қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни тобора юқорилаб бораётганини эътироф этапти.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг дунёда энг кўп инвестиция оладиган давлатлар қаторида етакчи ўринларда турганини фахр билан таъкидлаш жоиз. Хорижий давлатлар ўзлари инвестиция киритаётган давлатнинг салоҳияти, имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилади, албатта. Келажакимиз таянчи бўлган ёшларимизнинг ватан равнақи, тараққийи йўлида содиққанда бораётгани кўнглимизни

тўлдирди. Чет элларда фаолият юритаётган кўплай ёш, етуқ кадрларни юртимизга қайтариш, улар орқали бошқа ёшларни ҳам руҳлантиришга жиддий киришганимиз ҳам бежиз эмас.

30 йилдан буюн таълим соҳасида тажриба орттирган устоз сифатида айтаманки, бугуннинг ёшлари аввалгидан анча фаол, 35-40 дақиқа бир мавзу юзасидан тўхтамай, эркин фикр юрита олади. Бундай фаоллик уларни университетнинг “Сиеий таҳлил” клубида ҳам фаол бўлишда муҳим омили бўлмоқда. Уйлаймики, улар орасидан қийн келажакда биз оруз қилган сиеий шарҳловчилар, албатта, етишиб чиқади.

Хулоса ўрнида бугун Ўзбекистоннинг катта бир қурилиш майдонида қиёслаш мумкинлигини айтишни истар эдим. Негаки, қайси бир вилоятда, қайси туманга борманг, богча, мактаб, кўп қаватли уйлар, поликлиникалар қуриляпти. Буларнинг барчаси халқимизнинг фаровонлиги, эртасини эгаларининг порлоқ келажак учун. Айни шу мақсадни, ишловларнинг тубида нималар муҳасамаллигини халққа холис етказувчилар журналистлардир. Демак, бизнинг асосий вазифамиз, тезкор, ҳар томонлама мукамал журналист кадрларни тарбиялаш.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан юксак унвон билан тақдирланганидан жуда хурсандман. Албатта, бунда аввало, университетдаги соф ижодий муҳит, аҳил жамоатнинг ҳам катта ўрни бор. Буни бутун жамоамизга қаратилган эътибор, эътироф деб биламан. Зеро, бундай рағбат жамиятни уйғотади, руҳлантиради, одамларнинг ўзига бўлган ишончини янада оширади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

МАҲАЛЛА ОБОД, ИШЛАР САРИШТА, КЎНГИЛЛАР ХОТИРЖАМ

Бундан 4-5 йил олдин такси тўхтабди, Сергелига, десангиз кўпчилик ҳайдовчининг боргиси келмасди. Гап узоқлигида эмас, бу туманнинг ички йўллари қўверинг, марказий кўчаларидан ҳам юриш осон эмасди, жуда абгор ҳолатда эди. Тумандаги кўп қаватли уйлар атрофида инфратузилма бўлмаган, ичимлик сув, электр энергияси, газ таъминотида ҳам тез-тез узилишлар кузатишган. Хуллас, яқин-яқингача бу ердаги умумий манзара ўтган асрнинг 70-йилларидаги муҳитни эслатди. Муболагасиз айтиш мумкин, ярим аср бу туманда айтарли ўзгариш бўлмади. Ҳаёт, тараққиёт бир жойда депсиниб тураверди. Шу боис, кўпчиликка Сергелида яшаш ўқда турсин, ҳатто меҳмонга бориш ҳам малол келарди.

Бугун Сергелида яшаётган юртдошларимиз ўзларини жуда бахтли, деб билади. Туман қиёфаси кейинги тўрт йилда тубдан ўзгарди. Янги-ҳаёт тумани бунёд этилди. Юзлаб янги уйлар, таълим ва тиббиёт муассасалари қурилди, инфратузилма ҳам буткул янгиланди. Йўллар раво бўлди, метро қурилди. Янги савдо ва кўнгило-чар марказлар, боғу хибонлар ҳудуднинг бугунги обод кўркамга кўрк бўлиб қўшилди. Сергелида “Саховат” деган маҳалла бор.

Кўни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу маҳаллага ташриф буюриб, ободлик ишлари, одамлар ҳаёти билан танишди. “Саховат”нинг бугунги қиёфаси кишида ҳавас уйғотади. Жорий йилда “Обод маҳалла” дастури доирасида маҳалланинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Саховат боғи, савдо дўконлари барпо этилди, йўллар тартибга келтирилиб, ҳар бир кўп қаватли уй олдида болалар ўйингоҳлари, спорт инвентарлари ўрнатилган

майдончалар ташкил этилди. Стадион, Сардорлар мактаби, тикувчилик цехлари, касб-хунарга ўқитиш маркази қурилди. Маҳаллада бўлаётган кенг қўламли ободонлик ишларидан одамларнинг ҳам ақли шоган: наҳотки, шунча ишни бор-йўғи бир ярим ойда бажарса бўлади? Истақ ва иштиёқ бўлса кифоя экан. “Саховат”нинг бугунги манзараси шу жиҳати билан ҳам бошқа маҳалла фаолларига ўрнак бўлиши табиий.



Азиза ИРИСОВА, “Саховат” МФЙ фаоли, тадбиркор:



— Маҳалламизга апрелнинг ўрталаридан қурувчилар кела бошлади. Улар 15 кунча йўлақларни, уйлар атрофини, ташландиқ ерларни тозалаш, қурилиш ишларига тайёрлади. Маҳалла аҳли ҳам қараб турмади, ҳашарга чиқиб, ободонлик ишларига ҳисса қўшишга ошди. Бу жараён жуда қизғин эди. Ҳаммаи маҳаллада қандай ўзгаришлар бўлиши қизиқтирарди. 5 майдан қурилиш ишлари бошланиб кетди. Кўз очиб юмгунча қанча ишлар бажарилди. Шу қисқа фурсат ичида маҳалламиз бунчалик чиройли, обод ва саришта бўлади, деб ўйламагандик ростми. Президентимизнинг одамларни ўйлаб амалга ошираётган ислохотларидан розимиз. Ҳамма шароитни яратиб берди, имконлар етарли. Биздан фақат ҳаракат қилиш қолди. Узимдан мисол: қўлимда ҳунарим бор — тикувчиман. Унлаб шогирдлар тайёрладим. Асосан буюртма асосида парда тикимиз. 2018 йилгача ижарага жой олиб, кўчиб-кўчиб ишладик. Ҳар жойга кўчаверсангиз, мижозларни йўқотиб қўясиз. Икки йилдан ошди, маҳалламизнинг янги гузардан билта хона ажратиб беришди. Шу ерда 5 нафар шогирдим билан ишлаб келямиз. Маҳалламизнинг бугунги обод қиёфаси бизнинг ишимизга ҳам фойда олиб кирди. Янги қурилган хизмат кўрсатиш бинолари қаторидан каттагина бир хона ажратилди. Тикув машиналари ўрнатиб, ишни бошлаб юбордик. Бу ерда ҳам маҳалламиз хотин-қизлари ишляпти. Буюртмалар етарли, иш кўп, бўш қолиш йўқ, даромадимиз яхши.

Президентимиз маҳалла аҳли билан ҳам суҳбатлашиб, уларнинг бугунги ҳаёти билан қизиқди. Биз уларнинг давлатимиз раҳбари билан суҳбатидан кейинги таассуротларини ёзиб олдик.

Дилором ЁДГОРОВА, “Саховат” МФЙ раиси ўринбосари:



— Президентимиз билан юзма-юз суҳбатлашдик. Биздан нима камчилик бор, деб ҳол-аҳвол сўради. Нима камчилик ҳам бўлсин, маҳалламиз ажиб чирой касб этган, фарзандларимиз учун ўйингоҳлар, ўкув марказлари, ҳеч қайси маҳаллада йўқ аjoyиб боғ барпо этилган бўлса. Бу ишларини қадрига етиш керак, холос. Давлатимиз раҳбарига маҳалламиз ҳақида гапириб бердим. Кейинги йилларда маҳалла фуқаролар йиғини тизими ҳам тубдан ислох қилинди. Ававаллари МФЙ фақат маълумотнома бериш билан шугулланган. Маҳалла раислари хонада ўтириб ишларди. Буеун ҳар бир хонадонга кириб бордик, ким ишсиз, ким ёрдамга муҳтож, ҳаммасини биламиз ва ёрдам қилишга ҳам қурбимиз етади.

Яқин ўтган йилларда банкнинг эшигидан кириш муаммо эди. Оддий одамларнинг кредит олишини эса гапирмасам ҳам бўлади. Ҳозир кимдир маҳалламиздан кредит олишим керак, деб мурожаат билан чиқса,

маҳалла идорасининг ўзида ҳал қилиб беряпти. Ташландиқ жойларда ҳам бўстон яратяпти. Маҳалламиздаги янги боғни “Саховат боғи”, деб номладик. Бундан икки ой олдин кечаси бу ердан ўтишга қўрқар эдик. Буеун қандай сўлим масканга айланди. Одамлар боддан чиққиси келмайди. Сизга бир сиримни очай. Касбим ўқитувчи, кўп йиллар маориф соҳасида меҳнат қилдим. Кейинги йилларда ўқитувчиларнинг оиласи ошгани учун маҳалла ишидан кетиб, яна мактабда дарс беришни режа қилиб юргандим. Кеча Президентимиз билан суҳбатдан сўнг бу фикримдан қатъий қайтдим. Шавкат Мирзиёевнинг одамларга меҳри, самимийлиги, қуноқчилиги ва ҳаётга бўлган иштиёқи мени буткул бошқа кишига айлантирди. Халқ қувончи, халқ ташвиши билан яшаи, яхши-ёмон кунларига шерик бўлиш ўзгача бахт эканини англадим.

Маҳаллани кезар эканмиз, яқинда иш бошлаган Лидерлар мактабига кўзимиз тушди. Ичидидаги кутубхонаси ҳам бўлган инновацион мактабда нафақат маҳалладаги, балки тумандаги йигит-қизлар маънавиятини ошириб, лидерлик қобилиятини ўстириши мумкин экан. Бу ҳақда туман ҳокимлигининг ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассиси айтишича, Сергелида 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар сони 40 мингдан ошади. Бу, албатта, туманда истиқболли кадрлар етишиб келаётганидан дарак. Уларни касбга йўналтириш, ҳар томонлама соғлом, етакчилик қобилиятини шакллантириш тарбиялаш эса жуда муҳим. Шу маънода, янги қурилган Лидерлар мактаби фаолиятини фақат олқишлаш мумкин. Ҳозирданок бу мактаб маҳалла ёшларининг сеvimли масканига айланиб улгурибди.

Гулчеҳра ТҲҲИЕВА, тикувчи:



— Тикувчиликни қизларимдан ўрганганман, десам ишонасизми. Иккита қизимни ҳам мактабдалигиданок ҳунар ўргансин, деб тикувчилик курсида ўқутдим. Уларнинг уйдаги ишларини, тикаётган қийматларини кўриб ҳавасим келди. Буеун шу касб орқасидан рўзгор тебратяптим, доимий даромад эгаимиз. Қолаверса, касбим шарофати билан Президентимиз билан юзма-юз учрашиш бахтига ҳам эришдим. Уйимнинг биринчи қаватидаги иш ўрнимда қўшниларнинг буюртмасыни бажаряётган эдим.

Президентимиз шундоқ олдимга келиб, мендан ҳол-аҳвол сўради, ишларимиз қандай кетаётгани билан қизиқди. Жуда ҳаяжонли дақиқалар эди. Ҳаммасини шошиб, ҳаяжонлиб гапириб бердим. Давлат раҳбари билан оддий тикувчи аёлининг суҳбатини тасаввур қилинг. Бу мен учун жуда катта, унутилмас бахт бўлди. Ҳайратимизга ғайрат қўшилди. Маҳалламиздаги ўзгаришлардан бир хурсанд бўлсам, шундай бахтли кунларга етказганига яна миннатдор бўлиб, Яратганга шукрона айтаман.

Ислохот ислохот учун эмас, балки халқ учун. Бу тамойил бугун ўз сўзини айтиб, самарасини кўрсатяпти. “Саховат” маҳалласидаги ўзгаришларнинг ўзи фикримиз далили. Албатта, маҳалладаги ободлик ишларини, одамлар ҳаётдаги ўзгаришларни кўп гапириш мумкин. Уни суратларда томоша қилиш ҳам катта завқ беради қилишга. Шу боис, биз “Саховат” маҳалласидаги бунёдкорлик ишларини суратга олдик. Уларни ўзингиз томоша қилиб, ҳаваслангиз. Тез орада пойтахтимиздаги, жумладан, Сергелидаги барча маҳаллалар шундай обод ва файзли масканларга айланади. Бунинг учун маблағ ҳам, ҳуқуқий асослар ҳам етарли. Энг муҳими, шу эзгу ишга интилиш ва кўнгилда истақ бор.

Улуғбек АСРОПОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ БИТИРУВЧИЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИДИР



Бошланғич 1-бетада

— Ўзбекистонга ташрифингиз боиси ҳақида сўрамоқчиман. Ташриф доирасида қандай ҳамкорлик режалари, талаб ва таклифларни амалга ошириш кўзда тутилган?

— Авваламбор, халқаро IGCSE, AS ва A Level имтиҳонларини топшириш юзасидан мутасаддилар билан олиб борилган музокара ҳақида тўхталмоқчи эдим. Эндилкида Кембриж халқаро имтиҳонларини нафақат Президент мактаблари ўқувчилари, балки Ўзбекистондаги барча давлат ва нодавлат таълим муассасаларида таълим олувчилар ҳам топшира олиш имконияти яратилмоқда. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларини ривожлантириш агентлиги тасарруфида Президент мактаблари Кембриж аккредитациясидан ўтган халқаро мактаб сифатида халқаро IGCSE, AS ва A Level имтиҳонлари жараёнларини ташкил этиб, талабгорларни рўйхатдан ўткази олади.

Кембриж таълим ташкилоти 50 дан ошдиқ фанлар бўйича имтиҳон топшириш танловини тақдим этмоқда. Бундай имтиҳонларни топшириш учун алоҳида талаблар мавжуд эмас. Ёш бўйича чеклов йўқ, маълум бир тил бўйича сертификат талаб этилмайди. Бир ўқувчи 5 тагача фандан имтиҳон топшириш имкониятига эга.

A Level сертификати ҳам халқаро олий таълим муассасалари томонидан тан олинган олий стандарт сертификати ҳисобланади. У халқаро кўламада таълим олиш учун кенг имкониятларга йўл очади, дейиш мумкин. A Level сертификати эга бўлган ўқувчилар 76 мамлакатдаги университетларга ҳужжат топшириш имкониятига эга бўлади. Яъни бутун дунёда 1000 дан ортиқ университет теъдидан мазкур сертификатни тан олади. Бу, бутун Британиядаги барча ва АҚШдаги 700 та университетга ҳужжат топшириш имконияти дегани.

— Президент мактабларининг салоҳиятини қандай баҳолайсиз? Мазкур таълим муассасаларининг келажакги борасидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистон, жумладан, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқаларидан мамнунлигимни билдиришга ижозат этинг. Агентлик тизимидаги тўртта Президент мактаби Кембриж ташкилоти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. 2019 йилдан буён ушбу мактабларда таълим олаётган ўқувчилари Ўзбекистоннинг янги тарихини яратувчи ёшлар, деб таърифлаган бўлардим. Улар илк мартабада халқаро Кембриж имтиҳонларини топширди. Глобал пандемия таъсирига қарамаздан, ушбу синовлардан муваффақиятли ўтишгани эътиборга молик. Уларнинг машаққатли меҳнати натижасини бугун кўлаб халқаро таълим ташкилотларидан тушаётган таклифлардан ҳам кўришимиз мумкин. Мамлакат ривожини кўп жиҳатдан истеъдодли ёшларни танлаш, уларга тўғри йўналиш бериш, қобилиятини ўстириш, интеллектуал салоҳиятини намойён қилишга кўмак бера оладиган таълим тизимини яратишга боғлиқ.

Ана шундай тизимнинг яратилгани ўқувчиларнинг бугунги натижаларида яқол кўриниб турибди. Биз бир неча бор МОСК имтиҳонларининг тест

синовларини ўтказдик. Ўқувчилар бу имтиҳонларни муваффақиятли топширди. Президент мактаби ўқувчилари икки йил таълим олиб, бир қанча халқаро университетларга киргани — бу қисқа муддатда эришилган катта натижа, деб айта олам.

Албатта, бу муваффақиятлар ўз ўзидан рўй бергани йўқ. Аввало, мазкур мактабларда таълим олиш учун энг иқтидорли ўқувчилар танлангани дастлабки оқилона қадам бўлган. Ва мана шу тўғри йўлдаги саъй-ҳаракатлар давом этгани боис, юксак самара бермоқда.

Президент мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилар фаолияти, ютуқлари билан танишиб, унинг келажакги ғоят самарали бўлишига ишонч ҳосил қилдим. Ўзига хос таълим тизимига, талабларга ва катта имкониятларга эга бу таълим муассасалари Кембриж ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилганига қарамасдан, у бизга тегишли эмас ва Британия мактаблари ҳисобланмайди. Президент мактаблари халқаро таълим тизимига асосланса-да, ўз миллий хусусиятларига эга ва бу сақланиб қолиши лозим.

Халқаро таълимдаги илғор фояларнинг Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилиши ва эришилган ютуқлар Кембриж университети учун ҳам манфаатли саналади. Биз келажакда бу мактабларнинг барқарор ривожланиши ва муваффақиятга эришишига ишонамиз.

— Ўқитувчилар малакасини ошириш борасида қандай лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутиляпти?

— A Level — бу, ўқувчилар учун мўлжалланган сертификат бўл-

са, PDQ (Professional Development Qualification) педагоглар учун мўлжалланган дастур ҳисобланади. Яъни маҳаллий кадрларнинг халқаро стандартлар асосида малакасини оширишга мўлжалланган. Бу дастур синф хонасида қандай дарс ўтиш, таълимда етакчиликни ўрганиш имконини беради. 6 ва 9 ой давомида шу дастур орқали малака оширган ўқитувчилар Кембриж стандартлари асосида профессионал кадрга айланади. Шунингдек, PDQ дастури асосида педагоглар учун ҳам янги лойиҳалар кўзда тутилган. Бу борада олиб борилаётган ишлар маҳаллий педагогларнинг халқаро стандартларга асосан малакасини оширишга қаратилган. Бу ўз ўрнида маъмурий ҳодимлар, лидерлар учун ҳам аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан алоқаларимиз самимий ва мустаҳкам. Умумтаълим мактабларидан инглиз тили фанини ўқитишни ривожлантириш бўйича лойиҳалар устида ишляптим. Жумладан, мактаблардаги дарсликларда Кембриж дастури асосида мавзулар тақдим этилиши кўзда тутилган.

— Таълим йўналишидаги илғор лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳам ҳамкор мамлакат сифатида танлангани биз учун қувонарли албатта. Шу билан бирга, ҳамкорлик яхши самара беришида қандай омиллар сизда ишонч уйғотган эди?

— Ўзбекистон кейинги йилларда жадвал суръатларда ривожланиб бораётган мамлакат ҳисобланади. Қолаверса,

биз хорижликларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ва самарали фаолият юритиш учун жуда қўлай, кенг имкониятлар яратилмоқда. Тўрт йил илгари Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Кристофер Аллан “Ҳозир Ўзбекистонга келишнинг айна вақти. Чунки янгилинишлар, ислохотлар жуда тез суръатларда олиб боришмоқда”, деган эди. Элчининг бундай ишонч ва самимияти билан айтаётган сўзлари мени жуда қизиқтириб қўйди. Шундан сўнг Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси билан боғланган ва улар бу мамлакатга ташрифини ташкил қилишда ёрдам берди.

Биз бу ерда 2018-2019 йиллар давомида бир неча мартаба келдик. Ана шундай ташрифларнинг бирида Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисидаги ғоя билан танишдик, муҳокама қилдик ва амалга оширишда иштирок этдик.

Яна шунки мамнуният билан айтишим мумкинки, мен Ўзбекистонни яхши кўраман! Унинг меъморчилиги, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлари, табиати мени доим ўзига мафтун этиб келади. Ҳали Бухоро ва Наманганга боришга улгурмадим, аммо режамда бор. Гузал ва қадим юртинг ҳали кўрадиган, танишадиган, қизиқтирадиган жиҳатлари жуда кўп.

Шунингдек, мен Ўзбекистоннинг мева ва сабзавотларини бошқа ерда учратмадим. Тўғри, маҳаллий аҳоли учун улар оддий саналади. Аммо ишонинг, серкўёш юртинг сархил мева-сабзавотлари дунёдаги энг мазалиси назаримда. Мен ҳамто оила аъзоларим ва дўстларимнинг ҳам Ўзбекистонга келишини, қадим тарихий шаҳарларини ҳайратланиб кўришини, ўзбек миллий таъми бўлган паловдан татиб кўришини истардим.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАКРОРИЙ ЭКИН

ЮРТГА ҲАМ, ДЕҲҚОНГА ҲАМ
КОНИ ФОЙДА

Ғалладан бўшаган майдонлар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга вақтинча фойдаланиш учун бўлиб берилди

Шу йилнинг 8 июнь куни Президентимиз расмиётида қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш масалалари бўйича видеоконференция йиғилиши ўтказилди. Унда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиб, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга вақтинча фойдаланиш учун ер бўлиб бериш масалалари юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берилган эди.

Ушбу топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида 80 минг 704 гектар ғалладан бўшаган майдон такрорий экин экиш учун 60 минг 17 нафар банд бўлмаган фуқарога тақсимлаб берилмоқда. Ғалладан бўшаган ер майдонининг 7 минг 792 гектарига сабзавот, 9 минг 231 гектарига картошка, 34 минг 383 гектарига дуккакли, 2 минг 755 гектарига мойли ҳамда 26 минг 543 гектарига озуқа экинлари экилади.

Жумладан, Нарпай туманида ғалладан бўшаган 15 минг 720 гектар ер майдонининг 5 минг 260 гектари “Темир дафтар”,

“Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга 20-30 сотихдан вақтинча фойдаланиш учун ажратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фермер ҳўжалиklarининг ғалладан бўшаган ер майдонларидан унумли фойдаланиш аҳоли даромадини ошириш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб, ички истеъмол бозорига арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш имконини беради. Белгиланган чора-тадбирларга кўра, аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ажратиб берилаётган ер майдонидан оқилана фойдаланиш юзасидан ҳар бир лойиҳага масъуллар бириктирилган.

— Ушбу лойиҳалар ижроси юзасидан тегишли гуруҳлар ташкил этилиб, ғалла ўрими-йиғими тугаган ер майдонлари сомонлардан тазаланиб, шудгор қилинмоқда, — дейди Нарпай тумани ҳўкимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Абдуқаҳор Тожиев. — Дафтарларга киритилган 4 минг 537 нафар фуқарога 20-30 сотихдан такрорий экин экиши учун ғалладан бўшаган майдонлар тақсимлаб берилиши режалашти-



рилган. Туманимиздаги иккита экспортёр корхона билан тузилган шартномага асосан, такрорий экин экиш учун зарур бўладиган уруғлик, кимёвий ишлов бериш воситалари ва бошқа жиҳозлар бепул етказиб берилади.

— Фермер ҳўжалиги кўп тармоқли. Ҳозирда ғалладан бўшаган майдонларни тазалаб, маҳалламиздаги 25 та кам

таъминланган оилага ер ажратиб бердик, — дейди “Нарпай аграр ҳамкор” фермер ҳўжалиги раҳбари Бекзод Сайфуллаев. — Улар ҳозир такрорий экинни экишга тайёрланмоқда. Бизга ерни шудгорлаб, суғориб, экин экиб беришда солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар мавжуд. Қолаверса, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган бу тадбир, юртимизда кўплаб

хотин-қизлар, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлайди. Оилалар хотиржамлиги, рўзгор бутлиги, даромад манбаи сифатида катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш кераки, фуқароларга ердан самарали фойдаланиш, ер унумдорлигига салбий таъсир кўрсатадиган, шунингдек, чорва учун озуқа экинларини экмаслик, аксинча, озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, экспортбоп ва сердаромад маҳсулот экиш бўйича мутахассислар томонидан тавсиялар берилмоқда.

— Менга ажратилган 25 сотих ер майдонига сабзавот экинларини экишни режалаштирдим. Бунинг учун тажрибам етарли, деҳқон фарзандиман, — дейди “Сарбозор” МФИда яшовчи фуқаро Шохрух Эшмиров. — Аммо ўз ерим, ҳўжалигим бўлмаганлиги сабабли нима иш билан шуғулланишни билмай, бекорчи юргандим. Хайриятки, бу кўрсатилган ижтимоий кўмак биз каби фуқаролар учун айни мuddа бўлди. Эндилкида фермер ҳўжалиги кўмагида картошка ва бодринг экишни бошлаб юбордим.

Худди шунингдек, Тайлоқ туманида ҳам бугдўйдан бўшаган майдонларга такрорий экин экиб, аҳоли бандлигини

таъминлаш мақсадида ерни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга 10 йил мuddатга ижара шартнома асосида бўлиб бериш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, “Қўшчино” агрофирмасига қарашли “Шаҳзод-Дилшод-Азиз” фермер ҳўжалигида ғалладан бўшаган 11 гектар ер майдонининг 8 гектари Зарафшон ҳамда Пайшанбасиёб маҳалласида яшовчи 32 нафар ишсиз фуқарога 25 сотихдан ажратиб берилди. Бундан ташқари, Иштихон туманидаги Раоват, Сўғот, Кўктепа каби маҳаллалар ҳудудидаги ижтимоий кўмакга муҳтож 72 нафар ишсиз фуқарога 25 сотихдан ғалладан бўшаган ер майдонлари ажратилди. Эндилкида ушбу фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ер майдонларига турли экинлар экиб, даромад топиш имкониятлари мавжуд бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бу чора-тадбирлар мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, қолаверса, аҳолини иш билан банд бўлиш ва даромад топишда энг мақбул йўл бўлиб хизмат қилади.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲУҚУҚ

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ
АРБИТРАЖИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Бугун юртимизда хорижий ва маҳаллий ҳўжалик субъектлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари кенг ривожланмоқда. Бу жараён баъзан манфаатлар тўқнашуви, низоларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Анвар УСМОНОВ,
Ирина ҲАКИМОВА,
Тошкент шаҳри суди
судьялари

Жорий йил 16 февраль куни маъқулланган ва расман эълон қилинган “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун шундай низо ва манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш ҳамда судга ҳал қилиш имконини беради. Ушбу қонун расман эълон қилинган кундан олти ой ўтгач, кучга кирди.

Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро тижорат арбитражи йўл, адвокат, таржимон хизматлари билан боғлиқ харажатларга зарурат бўлмагани туфайли тадбиркорлар учун очикроқ ва тежамлироқ институтдир.



Таъкидлаш жоизки, қонунни қабул қилишдан кўнраган асосий мақсад халқаро тижорат арбитражи фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Тижорат арбитражи Ўзбекистон Республикаси суд тизимида кирмайди, тўлиқ мустақил ҳисобланади. Қонуннинг 7-моддасида арбитраж судлари ўз фаолиятида ҳеч кимга бўйсунмаслиги ва мустақил экани белгилаб қўйилган. Арбитраж судларининг фаолиятига бирор-бир аралашува, шунингдек, унга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолат содир этилса,

ушбу, агар бундай ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик қасддан содир этилгани исботланмаса, тарафлар ёки бошқа шахслар олдида жавобгар бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

Халқаро тижорат арбитражи фаолиятининг негизидан низолашуви тарафларнинг арбитраж келишуви ётади. Арбитраж келишувининг асосий жиҳати шундаки, айнан ушбу келишув халқаро тижорат арбитражга ваколатлар, яъни муайян турдаги ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган низолини кўриб чиқиш ҳуқуқини беради. Демак, арбитражга юклатилган ваколатлар

доирасини тарафларнинг ўзи низо-да арбитраж келишувини тузиш орқали белгилайди.

Қонуннинг 2- ва 3-бобларида арбитраж келишувининг шакли, арбитраж судининг таркиби ва юрисдикцияси мустақамлаб кўйилган. Хусусан, тарафларнинг шартномавий хусусиятга эгаллигидан ёки эга эмаслигидан қатъи назар, бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёхуд муайян низоларни арбитражга топшириш тўғрисидаги келишув арбитраж келишуви ҳисобланади. Арбитраж келишуви шартномавий арбитраж шarti ёки алоҳида келишув тарзида тузилиши мумкин. Арбитрларга келсак, тарафлар ўз хоҳишига кўра, тарафлар сонини белгилаш ҳуқуқига эга. Бундай келишув бўлмаганда уч нафар арбитр тайинланади.

Арбитраж низолининг тарафларга берилаётган қўшимча қўлайлик — бу арбитраж жойидир. Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, тарафлар арбитраж жойи тўғрисида ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин. Бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда арбитраж жойи арбитраж суди томонидан иш ҳолатларини, жумладан, тарафлар учун қўлайлик омиллини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ, тарафлар арбитраж муҳокамасида фойдаланиладиган тил ёки тиллар тўғрисида ўз хоҳишларига кўра келишиб олиши мумкин. Давлат иқтисодий судида эса суд иши ўзбек, қорақалпоқ ва ушбу ҳудуддаги аксарият аҳолининг тилида юритилади.

Таъкидлаш лозимки, арбитраж судларида муҳокаманинг мутлақ махфийлиги таъминланиб, бу тарафларнинг халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа иштирокчилари олдидаги имижини ва ишчанлик обрўсини сақлаб қолиш имконини беради. Хусусан, қонуннинг 53-моддасида агар тарафлар бошқача келишиб олмаган бўлса, арбитражнинг махфийлиги таъминланиши айтилган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимиз низоларни умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ халқаро тижорат арбитражи орқали ҳал этиладиган давлатлар қаторидан ўрин олганидан далолат беради.

ЗАМОНДОШ

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА
ФАЙЗ-БАРАКА БЎЛАДИ

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Риштонлик Исмоилжон Усмонов бу йил ўттиз ёшга қаршилади. Ҳаёт синовларида тобланган ўрта бўй, кичик жуссали йигит ҳалол меҳнати, изланишлари туфайли кўпнинг хурматини қозонган. Ўзи камгап, “ичимдагини топ” дейдиганлардан, аммо ишининг устаси. Бир дам тиним билмайди.

— Мактабни тугатгач, институтга ҳужжат топширдим, омадим келмади. Бирор юмушнинг бошини тутай десам, қўлимда хунарим йўқ, — дея сўхбатни бошлади у. — Бекорчиликдан зерикиб бозорда савдо-сотик билан шуғулландим. Оиламизга фойдам тегаётганидан хурсанд бўлсам-да, бу иш менга мос эмаслигини юракдан ҳис этдим. Шундай кунларнинг бирида ҳаёлимга пайпоқ ишлаб чиқаришни йўл қўйиб фикри келиб қолди. Бу маҳсулотга талаб юқори, аммо Риштонда бундай корхона йўқ эди. Режа ва мақсадларим нафақат менга, балки уйимдагиларга ҳам маъқул келиши лозим эди. Шунинг учун бир кун кечқурун дастурхон атрофида пайпоқ тўқиш йўналишида оилавий корхона очиб таклифини билдирдим.

Исмоилжондан қўтилмаганда чиққан бу таклиф оила аъзоларини ўйлашга, мушоҳада қилишга қорлади. Чунки пайпоқ ишлаб чиқариш айтишга осон, аммо амалга ошириш анча мушкул. Лойиҳа учун керакли маблағ, дастгоҳлар харид қилиш, хомашё, ишчи кучи, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни сотиш каби турли масалаларга ечим топиш лозим эди.

— Ўғлимнинг таклифини эшитиб қувонган бўлсам, қўлимиз “бироз калталлигидан” ўксинганман ҳам. Лекин унинг шаштини қайтармасликка, мустақил ишлаши учун имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилдик, — дейди онаси Изобу. — Нима бўлганда ҳам фарзандим ўз оиласи, эл-юрт фаровонлиги йўлида изланаётгани кўнглимга таскин, тасалли берди. Қолаверса, юртимизда Президентимиз, давлатимиз томонидан ёш тадбиркор ва ишбилармонларга берилаётган эътибор, ғамхўрликлар кўнглимни кўтарди, оналик меҳримни оширди, ўғлимни дуолар қилдим.

Исмоилжон ишни пухта режалаштирди.



Аваллига Халқ банки туман бўлиmidан сармола олди. Ҳўқондаги турдош корхоналарга бориб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишиди, иш ўрганди, хизмат кўрсатиш, хомашё масаласида ишончли ҳамкорлар топди. Ҳитойдан замонавий ишлаб чиқариш ускуналари олиб келди. Шу тариха “Марказ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги оддий хонадонлардан бирида “Исмоил — Изобу” пайпоқ ишлаб чиқариш оилавий корхонасига асос солинди.

Риштон — уста кулоллар юрти. Одамлар бу беназир хунар сир-асорини яхши билди. Аммо пайпоқ тўқиш маҳалла хотин-қизлари учун янги йўналиш эди. Шу боис, “Устоз-шоғирд” аънаъаси асосида иш ташкил этилиб, 12 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Улар тайёрлаган ўнлаб турдаги маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда харидорларини топди.

Ҳамжихатлик бўлган жойда файз-барака, тинчлик-товуқлик бўлади. Исмоилжонга акиси Исломжон, укаси Исроилжон қумқандош бўлди. Ишлар шу тариха аста-секин йўлга туша бошлади. Меҳнатга яраша даромад



ҳам олинди. Бу имкониятлар ёш тадбиркорни янги гоя, мақсадлар сари етаклади.

Ишбилармон йигитнинг амалий ишлари, саховат йўлидаги саъй-ҳаракатлари туман раҳбариятининг эътиборига тушди. Туман ҳўкимини ёш тадбиркорни қабул қилиб, унинг режа ва мақсадлари билан қизиқди. Тадбиркор тумандаги “Навбахор” саноат зонасидан ер майдони ажратиб берилса, чинни ишлаб чиқариш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ички ва ташқи бозорга маҳсулот сотиш лойиҳаси ҳақидаги режаларини баён қилди.

Очқ, самимий кенгаш сўхбат қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатди. Унга саноат зонасидан 15 сотих ер майдони ажратиб берилди. Бу ерда уч огайини ҳамжихат бўлиб чинни ишлаб чиқариш цехи фаолиятини йўлга қўйди.

— Саноат зонасида умумий қиймати 500 миллион сўм бўлган янги лойиҳани ишга туширдик, 30 та янги иш ўрни яратдик, — дейди Исмоилжон Усмонов. — Шу кунга қадар қўшни Тожикистонга 100 минг долларлик маҳсулот сотдик. Айни кунда Қозғонистон, Қирғизистонга чинни буюмлар етказиб бериш борасида мазкур мамлакатлар тадбиркорлари билан музокаралар қилияпти. Шу мақсадда кўшимча тармоқлар фаолиятини ташкил этишимиз, 20 нафар хотин-қизни касаначилик асосида ишга қабул қилдик, маҳсулотни қадоқлашни йўлга қўйдик. Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун барча шароитлар яратиб берилган. Айниқса, хунармандлар учун жорий қилинган солиқ, божхона имтиёзлари янги ташаббусларга қанот бўлмоқда.

— Икки фарзандим бор, — дея сўхбатга қўшилди чинни пиёлага нафис гуллар чи-заётган Зулфия Нишоновна. — Уйимизга яқин ҳудудда янги корхона иш бошлагани яхши бўлди. Ишлаш учун ҳамма шароитлар бор. Мўҳими, меҳнат стажига эга бўлдим, ойлик маошларимизни вақтида оламиз, ишга келиб-кетish учун транспорт, бепул тушлик ташкил этилган.

Риштон туманида 2882 нафар ёш йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га киритилган. Жорий йилнинг иккинчи чорагида улардан 1461 нафарининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Бу хайрли амаллар рўбёбиди “Навбахор” саноат зонасида иш олиб бораётган Исмоилжон каби ғайратли, ташаббускор ёшларнинг алоҳида ўрни бор.

— Шу кунга қадар 163 нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 4 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилди, — дейди туман ҳўкимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Зарифжон Умаров. — 35 нафар ёш касб-хунарга тадбиркорликка ўқитилиб, уларга сертификатлар берилди, 252 нафари “1+1” дастури доирасида тадбиркор ва хунармандларга бириктирилди.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистоннинг янги ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш замондошларимиз амалий ишлари, эзгу ташаббуслари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Уларнинг саъй-ҳаракати билан нафақат шахарлар, балки оила ва чекка ҳудудларда ҳам замонавий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этиляпти. Энг мўҳими, ушбу корхоналарнинг яратувчиси ҳам, ишчи-хизматчиси ҳам ёшлар экани кўнглига гурур-ифтихор бағишлайди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Журналистика ва ёшлар: тарозининг қайси палласи тош босади?

Ҳозир оммавий ахборот воситалари учун иш қизгани вақт. Ёши катта журналистлар сизга ҳавас билан қараётгани аниқ, чунки сиз мана шундай очиклик даврида ишламоқдасиз. Биз ўтган давр мобайнида сўз эркинлигини таъминлаш ва ОАВнинг жамият ҳаётидаги ўрнини оширишга интилдик. Сиз — журналистлар кўмаги билан бу ишнинг уддасидан чиқа оламиз, деб ўйлайман. Айтиш мумкинки, шу вақтга қадар матбуот тўртинчи ҳокимият, деб юритиб келинган бўлса, ҳозирга келиб биринчи ҳокимият даражасига чиқиб улгурди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда сўз эркинлигини, фикрлар хилма-хиллигини, одамлар ўз қарашларини очик-ошкора ифода этишини амалда таъминлаш учун кўплаб шарт-шароитлар яратилди. Эндиликда журналистлар ҳатто вазирилар билан ҳам бемалол учрашяпти, суҳбатлашяпти. Базми вазириларда вазирилик ва ташкилотларнинг ўзлари журналист ва блогерларни чорлаб, ҳисоботлар берапти. Ташкил этилаётган пресс-турлар орқали вазирилик ва ҳокимликларга тегишли объектларга қира олишимиз, саволларимизга жавоб топишимиз осон бўляпти.

Қуйида журналистикада ўз ўрнига эга бўлиб бораётган ёшларга айрим саволлар билан муносабат этиб, айни жараёндаги ютуқлар ва муаммолар борасидаги мулоҳазаларини билишга ҳаракат қилдик.

Саволлар:

1. Устоз журналистларимиздан бири: "Миллий журналистика фани салоҳияти аянчли аҳволда. Назарий асос лухталанмағунига қадар унинг амалиёти ҳаминқадарлигича қолаверади. Эндиликда ҳар қандай тараққиёт илмий замини пухта соҳалардагина гуллаб-яшнайдۇ. Бу — аксиома!" дея таъкидлаган эди. Сизнингча, бу асос қандай бўлиши керак?
2. Ёш журналистлар устозларнинг жанрлар борасидаги аъёнларини давом эттира олаётми? Нима учун бир пайтлар кўлма-кўл ўқилган эссе, очерк, фельетон ва лўқма каби жанрларга ёшларимиз мурожаат қилмай кўйдۇ?
3. Журналистиканинг мезони давр нафасига қараб ўзгарishi мумкинми? Замонавий журналистика қандай ислохотлар синовида тобланиши зарур?
4. Босма журналистика сақланиб қолади, деб таъкидлашга қарамай, буён бу соҳада фаолият юритишни истайдиган ёшлар қандай бораётгандек. Бу жараёнга муносабатингиз қандай?
5. Интернет журналистикасининг умри ва электрон ОАВда чоп этилган мақолалар қадри ҳақида нима дея оласиз? Айрим вазириларда блогерлардаги жасорат ва шижоат баъзи журналистларда топилмайди. Лекин етарли билимга эга бўлмаган блогер фикри ҳам кўп ҳолларда одамларда нотўғри муносабат шаклланишга сабаб бўлмоқда...

Амалдорлар ҳам фоторепортаж ва видеорепортажга кўпроқ эътибор берапти



Миролим ИСАЖОНОВ,
"Daryo.uz" сайти муҳбири,
«Келажак бунёдкори» медали соҳиб:

— Чиндан ҳам айни пайтда ёш журналистлар фельетон, эссе ва очерк жанрларидан кўра, интервью ва репортажга кўпроқ мурожаат қилмоқда. Чунки интервью ва репортаж орқали мавжуд муаммоларга амалдорлар ва фуқаролар эътиборини жалб этиш осонроқ. Менимча, мавзу қайси жанрда олиб чиқилишидан қатъи назар, танқид ва муаммо ўз ечимини тезроқ топса бўлди. Мен шундай деб биламан. Балки олий ўқув

юртларида фельетон, эссе, лўқма, очерк каби жанрлар буйича етарлича маҳорат сабоқлари берилмаётганлиги.

Бугунги кунда матбуот котиблари ўзи ишлаётган ташкилот ва ОАВ ўртасида мустақкам ҳамкорлик йўлга қўйилишида катта ўрин тутмоқда. Улар тўғрисида журналистларнинг вазирилик ва ташкилотлардан маълумотлар олиши осонлашди. Бироқ матбуот котиблари орасида ОАВнинг саволларига, танқидий мурожаатларига асосли муносабат билан бу ҳақда суҳбатлашганимизда улар муносабат билдираётганлари ҳам бор. Бугун давлат ташкилотларида ишлаётган ҳамкасбларимиз орасида, афсуски, журналист бўлмаганлари ҳам йўқ эмас. Бундай котиблар журналист ва блогер фаолиятини тўлиқ тушунамайди ва шу боис, саволларимизга атрафлича жавоб олиб бера олмайди. Журналист сифатида тажрибага эга бўлган ҳамкасбларимиз билан ишлаш эса анча самарали. Шу ўринда вазириликлар, ҳокимликлар ва турли ташкилотларда ишлайдиган матбуот котибларини саралашда ана шу жиҳатларга катта эътибор қаратилишини сўраган бўлардим.

Яна шундай матбуот котиблари борки, сиз сўраган масалага шунчаки муносабат билдириш билан чекланиб қўя қолади. Бу билан шов-шувларни тинчитишга эришадилар, холос. Муаммо эса, ҳал бўлмай қолаверади. Айрим

ҳолатларда ҳатто телефонни кўтаришмади. Менимча, малакаси матбуот котиби эркин ишлаш олмайди. Ўз фикрига эга бўлмагани учун ўзи ишлаётган ташкилотнинг муносабатини ҳам тўғри баҳолай олмайди.

Шу ўринда босма журналистика ҳақида ўз мулоҳазаларини айтиб ўтсам, Ривожланган давлатларда матбуотга эътибор сусайгани йўқ. Бизда эса кейинги пайтларда ёшларнинг босма нашрларга бўлган қизиқиши сусайгандек. Тенгдошларимиз билан бу ҳақда суҳбатлашганимизда улар газета ва журналларда иш шариоити ва маош қониқарли эмаслигини кўп таъкидлайди. Уларнинг наздида амалдор ва фуқароларнинг ҳам босма нашрларга бўлган эътибори яхши эмас. Шу боис, кўплаб танқидий мақолаларни жавобсиз қолдиришмоқда. Муаммолар кўпроқ ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинмоқда.

Бироқ бу борада менинг фикрим ўзгача. Майли, ойлик маоши кам бўлса ҳам, шариоити яхши бўлмаса ҳам, журналист ўзининг маънавий фойдаси учун газета ёки журналда ишлаган бўлиши керак. Журналистик фаолиятим аввалида 5 йил газетада ишлаганман. Босма нашрларда журналистнинг қалами чарчланади. Газета ва журналда тажриба орттириш ижодкор ОАВнинг бошқа йўналишида ҳам бемалол ишлаб кета олади. Газетага материал тайёрлаш инсондан жуда катта масъулият талаб қилади.

Баъзан бозорларда газетага ўралган харидларни кўрганимда ҳафта бўлиб кетаман. Менимча, маданиятли, маънавиятли одамлар бунга бефарқ бўлмастиклари керак. XXI асрда аксарият одамларимиз интернет журналистикасига ўрганиб бўлди. Унда чоп этиладиган мақола ва хабарлар юртдошларимизга жуда тез етиб бораётгани боис, ҳукумат вакиллари ҳам интернетни диққат билан кузатапти.

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда ҳар бир фуқаро шахсий фикрини эркин билдираётганини кўриб турибмиз. Блогер журналист каби асосли фактларга таяниб ўтирмайди, кўз ўнгиде содир бўлаётган воқеаликка тезкорлик билан ўз шахсий муносабатини билдиришга интилади, холос. Бироқ улар орасида муаммоларга ичи ачишиб, жонқуярлик билан ёндашадиган, асосли фикрлайдиганлар борлигини тан олиш керак. Яқинда 15 суткага қамалган бир блогер иши билан қизиқиб кўрдим, ҳуқуқий билими етишмаслиги сабабли боши берк кўчага кириб қолган. Уртага ташланган муаммони бир томонлама эмас, ҳар томонлама ўрганиб чиқиш зарур. Асосли фикрларга таяниб иш кўраётган блогерлардан халқимиз жуда хурсанд бўлмоқда. Бироқ бир томонлама фикрлайдиган, хабарларни саралашни билмайдиган блогерлар халқ ва ҳокимият ўртасида ангашилмовчилик келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолмоқда. АОКА ва Адлия вазирилик ҳамкорлигида блогерларнинг савиясини оширадиган ўқув курслари ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мезонлар ҳар қандай даврда ҳам ўзгармайди



Наргиза АСАДОВА,
журналист:

— Илм — ҳар бир соҳанинг пойдевори. Илмсиз миллат тазавулга юз тутмайди. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида сўзлашувчи тарқоқлик, бепарволик авж олади. Қадрлар фаолиятида бекарорлик кузга ташланади. Журналистика ҳам бундан истисно эмас. Унга ўз касбининг билимдони ва фидойилари керак. Журналист айнан амалиётда чарчанади, амалиёт эса фидойиликни талаб этади.

Сиз тилга олган жанрлар ҳамма вақт журналистиканинг тамал тоши, пойдевори бўлиб қолган бўлиши мумкин. Телевидение ва радиодан фарқи ўлароқ, матбуотда қалам ўтири, йўналиш бўлиши керак. Қаламни эса, журналистнинг тафаккури, билими, маҳорати ўтирилади. Бугун ёшлар очерк, фельетон ёзмаётган бўлса, бу уларнинг умуман ёзмаётганини англатмайди. Улар интернет нашрларда жуда фаол. Ҳар бир ҳодисага ўз фикрини айтишга интилади. Айниқса, вазиятнинг муаммолари жиҳатига эътибор қаратишга иштиёқманд. Энди нега журналистлар бундай дадил чиқишлар йўқ десангиз, бунинг сабаблари айни пайтда газета ва журналларнинг кам нусхада чоп этилаётгани билан боғлиқ, назаримда.

Мезонлар ҳар қандай даврда ҳам ўзгармайди. У ҳоҳ адабиёт бўлсин, ҳоҳ журналистика. Сошилик жамиятида мазкур соҳага эҳтиёж сезилгандан буён унинг мезони адолат бўлиб келган. Журналист ҳақ сўзи айтган

Шунчаки фикр билдириш, "хайп" кўтариш ҳақиқий журналистика эмас!



Садоқат МАКСУМОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети таянч докторанти:

— Шунчаки фикр билдириш, шахсий ёндашуви бериш, "хайп" кўтариш — бу журналистика эмас. Шу нуктага назардан, миллий журналистиканинг назарий асослари бойитиб бориляпти. Чунки, ушим тахсил олаётган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ОАВ тизимининг барча йўналишларида илмий ишлар ҳимоялари бўлиб ўтмоқда, изланишлар олиб бориляпти. Дейлик, мен медиаменеджмент йўналиши буйича изланишлар қилганман. Урганганим сайин янги билимлар чиқиб келяпти,

соҳанинг очикланмаган жиҳатлари кўп эканига амин бўляпман. Мана шу назарий асосларни ўзлаштирмай қандай қилиб амалиётни ўзгартириш, ривожлантириш мумкин? Биргина шу йўналишнинг ўзи бир уммон. Кузатилаётгандек, энди назарий асослар яратилиш бошланди. Бунда жажон тажрибасидаги ҳам назарий, ҳам амалий жараёнларни ўрганиш, ўзимизда мавжуд муаммоларни шу орқали таҳлил қилиш керак.

Афсуски, бугун баъзи ёшлар журналистикани машхур бўлиш воситаси деб, билади. Ҳақиқатан ҳам, ёшлар босма нашрларда ишлашни хоҳламайди. Бунга, биринчидан, нашрларнинг моддий-техник базаси яхши эмаслиги сабаб бўляпти. Чунки ҳамма яхши шариоитга эга бўлган иш жойида ишлашни истайди. Таассуфки, бир-иккитасини ҳисобга олганда аксарият нашрларимизда фаолият юритиш учун шариоит етарли эмас. Шунингдек, иш ўрганиш учун борган талабага эътибор қаратилмаслиги, у билан ишлаш учун муҳбирларнинг вақти зиклиги талабаларни босма нашрлардан бездиради. Ҳар бир нашрнинг ўз ижод йўли, маҳорат мактаби бор, ушбу мактаб сабоқларини бўлажак журналистларга етакчилик учун газеталар ўз қошида мудатли ижод мактаблари фаолиятини йўлга қўйиши керак. Бу тажриба саноқли нашрлардагина бор. Назаримизда, устоз-шогирд мактабини мақбуллаштириш сифатли журналистика учун катта аҳамият касб этади.

"Хабар" ичида "репортаж" табиий ҳолга айланди



Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Ахборот хизмати раҳбари:

— Бугунга келиб журналистиканинг жанрлари аралашиб кетди. Устозларнинг аъёнларини давом эттираётган ёш журналистлар жуда кам. Ахборот жанри саналган хабар ичида репортаж, ҳисоботда интервьюни қўришимиз табиий ҳолга айланди. Таҳлилий жанрларимизда аҳвол янада чатоқ. Корреспондентлик деган жанрдан деярли фойдаланмаймиз. Мақола халқроқ журналистикада беш турга бўлиниши ва улар бир-бирдан қандай фарқланишини кўпма билвермаймиз. Аммо таърих жанри фаол ишлатилиб келинмоқда. Масалан, "Маданият ва маърифат" телеканали муҳаррири Мафтуна Усмонова тайёрлаётган "Мундарижа" кўрсатуви шу жанрдаги яхши кўрсатувлардан бири. Шарофиддин

Тўлагановнинг халқроқ воқеаларга ёзаётган шарҳларини бирор ёш журналист давом эттираётганини кўрмадим. Хат жанридаги материалларга эса баъзи-баъзида кўзимиз тушади, холос. Бадий-публицистик жанрлар журналистиканинг юраги саналади. Ойбек Алиев муаллифлигида "Севимли" телеканалида тайёрланаётган "Ўзим" кўрсатуви, Шерзодхон Қудратхўжа муаллифлигида "Ўзбекистон 24" телеканалида эфирга узатилаётган "Портрет" кўрсатуви портрет очеркларини саналади. Давронбек Тожиалиев қаерга бормасин жуда батафсил йўл очери (сафарнома) ёзади. Аммо буни ҳали у китоб ҳолига келтиргани йўқ. Фельетон, эссе ёзаётган ёшларни эса билмайман, ростки.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Ахборот хизматида 2019 йил июль ойида фаолият бошлаганман. Икки йил давомида ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларимизни очишга, уюшма фаолиятини янада кенг ёритишга эришдик. Айни пайтда Фейсбукда 5 мингга дўстимиз бор. Илоҳи борича ОАВ билан ҳамкорлиқни кучайтиришга, брифинг ва пресс-турларни кўпайтиришга ҳаракат қилаяпти. Агар матбуот котиби ҳолислик ва очикликка интилса, журналистлар ҳам уша ташкилот ёки уюшманинг фаолиятини кўпроқ ёритишга ҳаракат қилади. Бунга журналистик фаолиятимизда ҳам иқдор бўлганман. Биз билан ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар билан пресс-пул, яъни журналистлар гуруҳини ташкил қилганимиз. Блогерлар билан ҳам алоҳида мулоқотлар уюштириб туришимиз. Матбуот котиби ўзи ишлаётган тизимдаги очиклик сари интилар экан, уша ташкилот раҳбари ҳам бу шаффоқлик ортидаги имконларни қадрлай бошлайди. Ёзувчилар уюммаси раиси устоз ижодкор бўлгани боис, бизнинг тақлиф ва ташаббусларимизни ҳаммаша қўллаб-қувватлайди.

Нафақат ёшлар, балки катталар ҳам фельетон ёзмай қўйган...



Дурдона МАДИЕВА,
радиожурналист:

— Биздаги энг катта муаммо назарияни амалиётда қўллашни ўргатувчи педагогларнинг ўзлари амалиётчи журналист бўлмаганида. Биз ўқиган давр — яқин ўн йилликда ҳар ҳолда шундай эди. Ҳатто амалиёт ўташ жараёнида талаба ўзи ёлғиз ҳамма жараёни ўзлаштириши лозим. Амалиёт раҳбарлари бириктирилиб, ҳеч бўлмаганда амалиётнинг илк ҳафталарида бўлажак журналистларни қўллаб-қувватласа ёшлардаги қизиқишнинг сунчишига, иш ўрганишдаги қониқмасликка олиб бормаган бўлар эди. Назария ва амалиётни ўргата оладиган педагог ҳамда амалиётчини тўғри танлаш мўлҳим аҳамият касб этади.

Муайян вақт оммалашган ўша жанрларга профессионал журналистлар ҳозир мурожаат қилмай қўйган бир пайтда ёшлар маҳорат сабоқларини кимдан ва қайси мактабдан ўрганади? Тўғри, очеркларнинг элементини ҳозирги нашрларда учратиш мумкин, лекин фельетон жанрига нафақат ёшлар, катталар ҳам мурожаат қилмай қўйгани мактаб йўқлиги бораётганининг тасдиғи эмасми?

Ҳар бир фуқаро ўзининг фикр-лаш даражасидаги блогерни ўқийди, саёз, "хайп"га берилган хабарларга ишониб кетмаслик учун кишиларда сиёсий оил шаклланиб бўлиши керак. Феик маълумотларни фактчекнинг қилиши, манбалар билан ишлаш — барчаси ўқувчининг билим даражаси билан белгиланади.

Суҳбатларимиздан бирида венгриялик олим бутунги сиёсий вазиятга баҳо берад экан, Ўзбекистон энг эрқарвар, адолатпарвар сиёсат тарафдори сифатида дунё ҳамжамияти эътиборини қозониб бораётганини таъкидлаб бундай деган эди: "Президентингиз раҳбарлигида янгиланиш сари олиб борилаётган сиёсатдан халқингиз рози эканини ўз кўзларин билан кўрдим. Шундай шариоитда сиз — журналистлар учун янгиланишлар илҳомчиси ва тарғиботчиси бўлиш шарафидир. Сизларга ҳавасим келади!".

Ёш ҳамкасбларимиз билан суҳбатда улар кўзлаган доволар ана шу шарафли вазифа билан бевоқифа боғлиқ эканидан хурсанд бўлдик. Интилиш, изланиш ва курашдан асло тўхтамангиз, азиз ҳамкасблар! Байрамингиз муборак бўлсин!

"Янги Ўзбекистон" муҳбири
Мухтасар ТОЖИМАТОВА
суҳбатлашди.



2021 йил 27 июнь, 130-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

uz.uznews

uz_official

uzuz_news

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

СЎЛИМ ТАБИАТ ҚУЧОҒИДА УЛҒАЯЁТГАН БОЛАЛИК

Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан олинган маълумотга кўра, айти пайтда воҳанинг Узун, Сарисий, Олтинсой, Шеробод туманлари ҳамда Термиз шаҳрида “Сардор Парвин”, “Хонжиза”, “Мироб”, “Вахшивор”, “Нефтчи”, “Бешбулок Сурхон Шеробод”, Холмуҳаммад Қулнйёзов номидаги, “Вандоб олтин булоғи”, “Амударё” каби тўққизта болалар оромгоҳи фаолият кўрсатяпти.

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Биринчи босқичда уларда 1 минг 674 нафар ўғил-қиз карантин талабларига амал қилган ҳолда ҳордиқ чиқаряпти. Оромгоҳлар август ойининг урталарига фаолиятини давом эттиради. Стационар турдаги бу оромгоҳларда беш босқичда 6 минг 200 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган.

Болаларнинг ёзи дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича вилоятда ташкил қилинган мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари ҳомий ташкилотлар, болалар оромгоҳлари раҳбарлари ҳамда мутасаддилар билан ҳамкорликда тоғли ҳудудлардаги оромгоҳларга элтидиган йўлларни таъмирлаш, озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, тоғ йўлларида болаларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, оромгоҳларни тартибга келтириш ва мавсумга шайлашга алоҳида эътибор қаратади.

Ҳар бир оромгоҳ болалар сонига қараб қадокланган сув, антисептик воситалар, табибёт буюмлари ва дори-дармон билан таъминланган. Оромгоҳларга йўлланма тўловининг асосий қисми қасаба уюшмалари ва ота-оналар ишлаб турган корхона, ташкилот, муассаса маблағи ҳисобидан қопланмоқда. “Темир дафтар”,

Оромгоҳда ҳар бир тадбир олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида ўтказилмоқда. Турли тадбирлар ва кўнгилочар ўйинлар Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусга асосан тайёрланиб, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбияга кенг жалб қилиш, ўғил-қизлар маънавиятини ошириш,



“Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари оромгоҳларда дам олиши учун бериладиган йўлланмалар тўлови ҳомий ташкилотлар зиммасида.

Маълумотларга кўра, шу кеча-кундузда Термиз шаҳридаги “Амударё” болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқариладиган 194 нафар ўғил-қизнинг 30 нафардан ортиғи кам таъминланган ва камбағал оилаларнинг фарзандлари.

Узун туманидаги Холмуҳаммад Қулнйёзов номидаги оромгоҳ ҳам болаларга намунаги хизмат кўрсатяпти. Атрофи асим чинорлар билан ўралган масканга қадим қўйишининг билан озодалиқни қуриб, бахри дилнингиз очилади. Кириш жойида бир зум тўхтаб, панноларда ёзилган ҳикматларни ўқишга ўзингизда мажбурият ҳис этасиз. Ҳовлига киришингизданқ анвойи гуллар диққатингизни тортса, буюк сиймоларнинг суратлари ва ҳикматлари қизиқшингизни яна ҳам оширади. Болаларнинг шўх-шодон қийқириғи беғубор онларингизни эсга солгандек бўлади.

Болалар дам олиш оромгоҳи директори, тажрибали педагог Ҳикматулла Шоймардонов бу мавсум оромгоҳ ҳудудида бажарилган ишлар билан таништиради. Директорнинг айтишича, оромгоҳ ҳодирлари ҳар мавсум жамоа кўмаги билан жорий таъмирланади. Бу мавсум ҳам Узун тумани халқ таълими бўлими ҳомийлигида оромгоҳнинг павильон ва ётоқ бўлмалари сифати таъмирланди. Зарур ашёлар янгиланди.

— Ушбу мавсум болалар беш босқичда дам олишини режалаштирганмиз, — дейди Ҳикматулла Шоймардонов. — Биринчи босқичда Сарисий, Узун, Денов туманлари ҳамда Термиз шаҳридан келган 140 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаряпти.

бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда китобхонликни тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби томонидан ажратилган қоптоқлар ва бошқа спорт жиҳозлари беллашувларнинг қизиқари ўтишида асқатяпти. Спорт майдончаларида эрталабки бадантарбия машқлари, волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, югуриш мусобақалари ўтказилапти. Кун давомида “Кувноқ бекатлар”, “Иншоолар танлови”, “Энг моҳир китобхон”, “Асфальтга расм чизиш” танловлари, “Дунё манзараси”, “Жонли шахмат”, “Жуманжи” каби беллашув ҳамда интерактив ўйинлар ташкил қилинмоқда.

— Утган йили пандемия туфайли оромгоҳларда мириқиб дам олиш имкони бўлмади. Тоғлар бағрида, шарқираб оқаятган сойлар атрофида ва соя-салқин масканларда жойлашган оромгоҳларда тенгдошларим билан ўйнашни жуда соғиндим, — дейди Денов туманидаги 36-мактаб ўқувчиси Бехрўз Саидов. — Уртоқларим билан маза қилиб ҳордиқ чиқаряпмиз. Оромгоҳда кўшни туманлардан келган болалар билан дўстлашдик.

Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган, Сарисий туманидаги атрофи баланд дараклар билан ўралган “Хонжиза” болалар оромгоҳи биринчи мавсумда 253 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олди. Бу масканда беш босқичда Сурхондарё вилоятининг барча туманларидан 750 нафар боланинг ёзи мароқли ўтказишга кўмаклашиш режалаштирилган.

Оромгоҳ ҳодимлари болаларни Хонжиза ҳудуди бўйлаб сайр қилдириб, уларнинг экотуризмга қизиқшини оширишни ҳам унутмапти.

БУГУННИНГ ГАПИ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ РИВОЖИ БИЛАН ҚАДАМ ҚЎЯМИЗ

Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институти
масъул ходими



Янги ривожланиш босқичига кирган Ўзбекистон ўз иқтисодий тараққийёт концепцияларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш билан бирга, аввало, мамлакатимиз тарихи, маданияти ва санъатига алоҳида урғу бериш асосида кечмоқда. Маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган давлат дастурлари, қабул қилинаётган қонунлар қуйидаги жараёнларни тартибга солишга қаратилган мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади:

бу борадаги ишларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2021 йил 20 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, бу жараёнга нафақат соҳа вакиллари, балки давлат органларининг масъулиги белгилаб қўйилди. Масалан, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида республикада маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи органлар сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги; “Ўзбекино” Миллий агентлиги; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ушбу ташкилотлар ўз вазифаларини амалга ошириш билан бир қаторда, маданият ва санъатни ривожлантиришдаги масъулиятни ва вазифаларни қонуни белгилаб қўйилиши — соҳанинг мамлакат тараққийотидаги ўрни ва роли қанчалик муҳим эканлиги билан изоҳланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2016 йил Ўзбекистонда кенг миқёсдаги ислохотлар даврининг бошланиши сифатида талқин этилиб, бу даврда сўз ва матбуот эркинлиги, иқтисодий интеграциялашунинг янги чўкинишлари, аҳоли турмуш даражасининг яхшилланиши каби ижобий жараён билан бирга кечди. Хусусан, маданият ва санъат соҳасидаги аввалги йилларда кузатишган хато-камчиликларни бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқиш асосида амалга оширилмоқда. Масалан, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар сифатида маънавий, ахлоқий ва маданий

қадриятлар устуворлиги, ижодий фаолият эркинлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, маданиятлар хилма-хиллиги, маданиятлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, маданий фаолият соҳасидаги таълим ва тарбиянинг тизимлилиги, илмийлиги ҳамда улуғсизлиги алоҳида модда сифатида белгилаб қўйилди.

Бу борада давлат маданият ва санъатни тарғиб этишда ўзига хос ҳамкор ва етакчи куч сифатида майдонга чиқди. Бугун юртимизда 826 та маданият маркази фаолият юритиши ҳамда булар маданият ва санъатни ривожлантиришда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ушбу маданият марказларида жами 4 522 та тўғарак мавжуд бўлиб, уларда 52 970 нафар ҳаваскор фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан 37 340 нафарини ёшлар ташкил этади.


Шунингдек, маданият марказларида 482 та халқ ҳаваскорлик даражасига эга бўлган жамоалар фаолият юритиб, ушбу жамоаларда жами 5 000 дан ортиқ ҳаваскор иштирок этиб келмоқда. Шу маънода, маданият марказлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга зарур шароитлар яратиш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар 367 та маданият маркази таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 25-бандида Маданият вазирлиги маданият марказлари учун янги бинолар қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш вазифаси юклатилган. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан “2021–2024 йилларда маданият марказларининг бинолари комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада 459 та маданият марказини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Соҳага оид энг кувончли ҳолатлардан яна бири шуки, Президентимизнинг 2019 йил 14 майда қабул қилган “Бахшчилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Термиз шаҳрида Республика бахшчилик санъати маркази ва унинг ҳузурида Бахшчилик санъатини ривожлантириш жағмараси ташкил этилди.

XXI аср — катта имкониятлар ва ривожланиш асри. Аммо бу жамиятларни эгаллаб олишга қаратилган янги технологияларнинг такомиллашган даври сифатида талқин этилаётганини ёдда тутиш лозим. Шунинг учун жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий институтлари ролин янада ошириш масаласи Ўзбекистон учун келажакда унинг тараққийотида хизмат қилади.

Бугун муқтаил Ўзбекистон ўз олдида Учинчи Ренессанс мақсад қилиб олди. Бу борадаги ислохотларда маданият ва санъат соҳаси ҳодимлари биринчи сарфа туриши лозим. Зеро, маданият ва санъат кўмағида шаклланган миллат ҳеч қандай ёт гоилар ва давлатлар таъсирига тушиб қолмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон бу борада ўзига хос ва амалий билимлар маркази сифатида дунёда ўз ўрнига эга. Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистон тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижоди ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновация ривожлантиришга қаратилган қуйидаги тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди:



Биринчидан, Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ – 4038-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди;

Иккинчидан, 2020 йил 26 майда давлатимиз раҳбарининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди;

Шунингдек, 2021 йил 7 июнда “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ҳодимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, ушбу соҳа вакиллари жамият тараққийотидаги ўрни яна бир поғонага кўтарилди. 15 апрель — мамлакатимизда маданият ва санъат ҳодимлари кунини сифатида белгилаб қўйилди.

Ушбу қонун моҳиятан санъат ва маданият соҳаси вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ролин янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятли.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим Дониёров

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-Ж масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2102.
78817 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” М-Ж босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусахҳи: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқини — 21:00 Топширилди — 22:15

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-80 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru